

Исмоил Саифназаров
фалсафа фанлари доктору, профессор
Тошкент Давлат гирписодиёт университети

Хушвакт Дониёров
катта уцитувчи
Тошкент Давлат ицтисодиёт университети

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ДУНЁВИЙЛИК ТАМОЙИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Кириш. Ҳар бир мамлакат олдида турган муҳим вазифалардан бири ёшларга оид давлат сиёсати миллий моделини ишлаб чиқишдир. Маълумки, ёшлар жамиятнинг энг фаол қатлами ҳисобланиб, улар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик гоёларини ҳаётга татбиқ этувчи асосий омил ва салоҳиятли куч ҳисобланади. Ёшларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқариш, жамиятда ўз ўрнини эгаллашлари учун қулай шароитлар яратиш орқали ёшларни Ватан **тақдирини** ҳал этувчи катта кучга айлантириш мумкин. Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, балки бутун мамлакат хавфсизлигининг кафолати ҳам ҳисобланади.

Асосий қисм. Жаҳондаги мамлакатларнинг ёшларга оид давлат сиёсати турличадир. Бу ҳолат уларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини белгилашда ўзларининг урф-одатларига, қадриятларига ва менталитетига суянганлиги билан характерланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг ёшлар борасидаги давлат сиёсатини таҳлил қиладиган бўлсак, ёшларнинг ўзлари ҳукумат томонидан ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бевосита фаол иштирок этиши билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради.

Европанинг кучли давлатлари орасида Германиянинг ёшларга оид сиёсати ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу давлатнинг ёшлар борасидаги сиёсатининг ўзига хослиги шундаки, унда асосий эътибор 18-27 ёшдаги аҳолининг ижтимоий бандлигини таъминлашга қаратилган. Германияда ёшларга оид сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири фуқароларнинг қонуний ҳимояси ҳамда уларнинг ижтимоий ва индивидуал ривожланишига жиддий эътибор қаратилганлигидир.

Осиёнинг энг ривожланган давлатларидан бири Японияда ёшларга оид давлат сиёсати миллий сиёсат даражасига олиб чиқилганлигини кузатиш мумкин. Мамлакатда ёшлар борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун Миллий ассамблея ташкил этилган. Бу ташкилотнинг асосий вазифаси 4 та дастур асосида иш олиб бориш ҳамда ёшлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асослангандир.

Ўзбекистоннинг миллий демократик давлатчилиқ тараққиётида ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, мамлакат аҳолисининг аксариятини ёшлар ташкил этиб, Статистика қўмитаси томонидан нашр этилган “Ўзбекистоннинг йиллик демографик тўплами”да 30 ёшгача бўлган аҳолининг сони 17 млн. 771 минг нафардан зиёд ва ўртача ёши 27,8 ёшни ташкил этиши Ўзбекистоннинг ривожланишида ёшларнинг тутган ўрни қанчалиқ салмоқли эканлигини исботлайди. Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг миллий модели ишлаб чиқилган бўлиб, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. Ушбу қонунда нафақат ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, балки, бу жараёнда бевосита ёшларнинг иштирокини таъминлаш масаласи ҳам ўз аксини топган эди. Иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур ижтимоий хизматлар тизимини яратиш, ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар, шунингдек, ёшлар қатламининг айрим тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш ана шулар жумласидандир.

Ёшлар тарбияси, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жиноятчиликнинг олдини

олишда, бандликни таъминлашда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги каби бир неча қонун ва дастурларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни имзоланди [Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь, УРҚ-406-сон]. Шу билан бирга 2017 йил 30 июнда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойи қарорига мувофиқ, ташкилот Ўзбекистон ёшлар иттифоқи этиб қайта ташкил этилди ва 5 июлда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармон имзоланди [Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил 5 июль, ПФ-5106-сон]. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрлар тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиб, ёшлар учун “ижтимоий лифт” вазифасини бажариб келмоқда. “Шу мақсадда Президент ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди” [Мирзиёев Ш.М. 2017, 518-бет]. Аҳолисининг 51%и 18-30 ёшгача бўлган фуқаролардан иборат Ўзбекистон учун энг муҳим масалалардан бири ёшларимизни глобал муаммолардан ҳисобланган дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмдан асраш ҳамда уларнинг онгида кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва энг муҳими, дунёвийлик ҳамда динийлик ўртасидаги мувозанатга нисбатан позициясини мустаҳкамлашдир.

Ислом ижтимоий ва сиёсий ҳаётга таъсир қилувчи энг муҳим омиллардан бирига айланган бугунги кунда ушбу муаммонинг қанчалик долзарб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Яқин Шарқда бўлиб ўтган “араб баҳори”, хусусан, Сурия, Ливия ва Ироқ ҳудудида кечаётган жараёнлар инсоният тараққиётининг XXI асрдаги ижтимоий йўналишини акс эттирувчи ҳодисалардир.

Ислом мафкурасининг замонавий дунё тараққиётига таъсирини ҳисобга олмай туриб ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тўғри белгилаш мумкин эмаслигини англаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш ҳамда уларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва дин ниқобидаги экстремизм ғояларидан ҳимоя қилиш вазифаларини Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб бердилар. Ўзбекистон аҳолисининг 94%и мусулмонлар эканлигини инобатга олсак, бу ниҳоятда муҳим. Чунки аксарият экстремистик ва террористах ташкилот ҳамда оқимларнинг нишони ёшлар ва болалар бўлиб қолмоқда.

Энг ачинарлиси, болалар ИТТТИД (Ироқ ва Шом ислом давлати) террорчи ташкилоти тарғиботининг муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади. Айниқса, террорчи ташкилот томонидан тайёрланган аудио-визуал маълумотлар, онлайн журналларда болалар образига мурожаат бу - ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати)га қарши курашаётган тарафга террорчи ташкилотнинг келажаги борлиги, жангариларнинг янги авлоди тарбия топаётганини намойиш қилишдан иборат [Noman Benotman, Nikita Malik. 2016, 19-бет]. Ноттингем Трент у ниверситети эксперти Наташа Анд ерхил ИТТТИД (Ироқ ва Шом ислом давлати)нинг болаларга бу қадар катта эътиборини террорчи ташкилотнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқбол режалари билан боғлиқ [Heather Saul. 2015, March 11], деб ҳисоблайди. Мутахассиснинг фикрича, ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати)нинг жангари мақсадларда болалардан фойдаланиши жуда “ақлли” ёндашувдир. Болалар қанчалик ёш мутаассиблаштирилса, ваҳшийликка ўргатилса, минтақадаги беқарор вазият шунчалар узоқ давом этади.

Америкалик тадқиқотчи Агата Кристиан террорчи ташкилотнинг ғоявий тарғиботида болалар асосан азият чекканлар, жангарилар қўлидаги восита-қурол ва қул образларида тасвирланишини қайд

этади [Agathe Christien. 2016, 5-бем]. Тарғибот материалларида болалар ўз тенгдошларига маъруза қилаётгани, омма олдида қўшиқ куйлаётгани тасвирланади. Бундан хулоса сифатида айтиш мумкинки, террорчи ташкилот шу йўл билан ўз ғояларини одамлар орасида кенг ёйиш, янги аъзоларни жалб этиш ва жамоатчиликнинг фаол қўллаб-қувватловига эришишни мақсад қилади. Чунки болалардан тарғибот мақсадларида фойдаланиш ишончли ва таъсирчан бўлиб, тенгдошларини жангари фаолиятга оғдиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида 2008 йил 7 январда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Шунингдек, 20 Т 7 йил 7-8 сентябрда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги (ЎРҚ-№443), “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (УРҚ-№444) қонунлари қабул қилиниб, ушбу қонуннинг болани ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари тўғрисидаги Т6-моддасида порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, уларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади, шунингдек, боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари тўғрисидаги Т7-моддасида бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга [Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2008 йил 7 январь, УРҚ-139-сон] деб ёзиб қўйилганлиги мамлакатимизда болаҳуқуқи қонун асосида ҳимояланганлигини англатади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 20Т6 йил Т4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш ҳамда ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва дин ниқобидаги экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ан ҳимоя қилиш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган [Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь, УРҚ- 406-сон]. Дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмни такрор ишлаб чиқариш тизимининг муҳим бўғинлари ақидапарастлик ва терроризм мафкураси, уларнинг илҳомчилари ва даъватчилари, мазкур мафкурани тарқатиш каналлари ва улар таъсирига тушаётган ёшлар ҳисобланади.

Дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мазкур муаммони фақат ҳарбий куч ишлатиш билан тўла ҳал этиб бўлмайди. Уларни такрор ишлаб чиқариш тизими сақланиб қолар экан, қайд этилган таҳдидлар давом этади. Интернет ва бошқа коммуникация воситаларининг ўта ривожланиб кетиши ахборот тарқатиш, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказиш имконини борган сари кенгайтириб юбормокда. Ҳозирги кундаги мафкуравий кураш - бу инсонларнинг қалби ва онги, эътиқоди, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий тимсоллари учун курашдир.

2017 йилда “Ижтимоий фикр” тадқиқот Мар казн томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаси сифатида “Ёшларнинг дин ниқобидаги экстремистик мафкуралар таъсири остита тушиб қолишининг асосий сабаблари бўлиши мумкин бўлган” эмпирик маълумотларнинг таҳлилишуни кўрсатадики, 2017 йилда респондентларнинг 31% и томонидан бундай сабаблар қаторида, энг аввало, “бузғунчилик моҳиятига эга бўлган турли интернет- сайтлар ва порталларнинг салбий таъсири” ажратиб кўрсатилади. Сўралганларнинг салкам 16% ининг фикрича, “ишсизлик ва моддий қийинчиликлар туфайли ёшларнинг бир қисми экстремистлар таъсири остита тушиб қолади” (2016 йилда - 20,7%). 14% сўралганларнинг фикрича (2016 йилда - 12,3%), муайян қисм ёшларнинг “катта пул” ишлашга интилиши бунинг сабаби ҳисобланади. Респондентларнинг яна 13% и “ота-оналарнинг назорат қилмаслиги ва оилавий тарбиядаги камчиликлар бунинг сабаби ҳисобланади”, деб кўрсатди. 11% респондентларнинг фикрича, “мустақил фикрга эга бўлмаган ёшларнинг ўзгалар таъсирига енгил тушиб қолиши” айрим ёшларнинг дин ниқобидаги экстремистик

гуруҳларга қўшилиб қолишининг яна бир сабаби ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмнинг кучайиши асосан диний билимларнинг етишмаслиги билан бир қаторда жамиятда тобора авж олаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2018 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги 489-сонли Қонуни қабул қилинди [Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2018 йил 30 июль, УРҚ-489-сон]. Юқоридаги муаммонинг илдизларидан аниқлиб чиқиб, ҳукуматимизнинг “Ўзбекистон Республикасида аҳолининг диний эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг диний эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, 2018 йил 27 июнда Ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишларни мутлақо янги тизим асосида ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида “Yoshlar — kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги Фармони имзоланди [Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2018 йил 27 июнь, ПФ-5466-сон]. Ушбу фармон ёшлар билан доимий мулоқот қилиш, мазкур соҳадаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнамоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ушбу қонунга асосан ёшлар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ёшлар ижтимоий хизмати фаолияти ташкил этилди [Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь, УРҚ-406-сон].

Айни вақтда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши курашишда “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилининг ижроси янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, умуман:

- “жаҳолатга қарши маърифат” ғояси инсонпарварлик нуқтаи назаридан яна бир бор илгари сурилди;

- диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди;

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат “Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази” ташкил этилди;

- Тошкент ислом университети негизида “Ўзбекистан халқаро ислом академияси” ташкил топди;

- Ўзбекистан халқаро ислом академияси битирувчиларига умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида соҳага тегишли фанлар бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳукуқи берилди;

- Ўзбекистан халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарканд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилди;

- Ўзбекистан мусулмонлари идораси ва Ўзбекистондаги Ислам цивилизация марказининг Олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги “Ҳадис мактаби” ташкил этилди;

- Ўзбекистан мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф хайрия жамоат фонди” ташкил этилди;

- “Имом Бухорий” давлат мукофоти таъсис этилди.

Ўзбекистан мусулмонлари идораси Масжидлар билан ишлаш бўлими маълумотида кўра, 2018 йилда диний идора тасарруфида 2000 дан ортиқ масжид фаолият олиб бормоқда.

Шунингдек, Президентнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 апрелдаги 5416-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, ислом дини ва ҳадис илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солинган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳамда ислом дини асослари ва ҳадис илмини мукамал ўзлаштирган

олий маълумотли етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 2018 йил 11 ноябрда Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 896-сонли Қарори аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солинган ҳадис илми мактаблари фаолиятини тартибга солувчи кучли мутахассисларни тайёрлаш, ҳадисшунослик мактаби шаклланиши ва ривожланиши, унинг илмий-маънавий асосларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш мактабнинг асосий вазифалари этиб белгиланди [Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2018 йил 1 ноябрь, ПҚ-896-сон]. Ушбу ислохотлар Ўзбекистонда динийлик ва дунёвийликнинг мутаносиблигини таъминлашга, дин ниқобидаги экстремизм ва террор измга қарши курашишда самарали натижа бериши шубҳасиз. Чунки муаммонинг натижаси билан курашиш фалсафий саводсизликдан ўзга нарса эмас.

Дунёвийлик ва динийлик, бир сўз билан ифодалаганда секуляризм кўпқиррали муаммодир. Унинг сиёсий, ҳуқуқий, психологик, социологик, диний, ахлоқий ва тарихий жиҳатлари ҳамда хусусиятлари мавжуд. Бугунги шароитда ҳар қандай хусусий, махсус талқин ва таҳлил ҳақиқий илмий ҳулосага даъво қилолмайди. Масалага фақат фалсафий ёндашувгина унинг илдизлари, сабаблари, тарихи, эволюцияси, бугунги ҳолати ва истиқболи ҳақида ҳақиқий билим беради. Бусиз динийлик ва дунёвийлик зиддиятининг таҳлили саёз ҳамда бирёқлама бўлиб қолаверади. Муаммонинг сабаби билан курашиш самарали эканлиги тажрибада исботланган. Динийлик ва дунёвийлик мувозанатининг бузилиши, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризм келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири маърифатсизлик эканлиги инобатга олинса, ҳукуматимиз томонидан “жаҳолатга қарши маърифат” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар ниҳоятда самаралидир.

Функционал жиҳатдан дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмга қарши курашни превентив, регулятив (сиёсий ёки ҳуқуқий услублар билан барҳам бериш ёки “юмшатиш”) ва репрессив (жиноятчиликни тийиб туриш, жиноятчиларни жазолаш) турларга ажратиш мумкин. Кенг маънода превентив кураш тури дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмнинг барча кўринишларини олдини олишга қаратилган [Устинов В. 2002, 20-бет]. Ўзбекистан Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мафкуравий таҳдидлар ўта хатарли ва нозик тус олган бир шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар ичида гоёвий тарбияга йўналтирилган тарғибот ва аксилтарғибот ишларининг долзарб йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ғараз мақсадларда амалга оширилаётган гоёвий таъсирларга қарши ҳар бир фуқарода мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш, мавжуд маънавий-мафкуравий таҳдидларни тўғри баҳолаш, улардан тегишли ҳулоса ва сабоқлар чиқара олиш қобилятини шакллантириш;
- кучайиб бораётган мафкуравий таҳдидларга нисбатан доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни ўргатиш;
- фуқароларнинг миллий қадриятлар, ватанпарварлик, давлат ва жамият манфаатларига садоқат, ор-номус, уят ва андиша каби ахлоқий туйғу ва тушунчаларнинг маъно-мазмунини чуқур англаб етишига ва амал қилишига эришиш;

-бепарволик ва лоқайдликнинг олдини олиш, ҳушёрлик ва жонкуярликни тарбиялаш, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини камол топтириш [Очилдиев А. 2009, 381-382-бетлар] каби долзарб йўналишлардир.

Бу масалада таълим муассасаларида ижтимоий фанлар ҳал қилувчи рол ўйнаши аниқ. Афсуски, бугунги кунда барча таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитишга ажратилган ўқув соатларининг камайиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳолат ёшларимиз онгида экстремистлар илгари сураётган агрессивлик, мурасасизлик бошқа жамиятлар бошига қандай кулфат келтираётганини аниқ ҳаётий мисолларда тушунтириш, оиласи, маҳалласининг хавфсизлиги ва тинчлиги кўп жиҳатдан шахснинг ўзига боғлиқ экани ҳақида мустаҳкам тушунчаларни шакллантиришни янада қийинлаштиради.

Ўзбекистан Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9-10 сентябрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида сўзлаган нутқида ИХТга аъзо давлатлар катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да,

иктисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этдилар. Жумладан, ИХТга аъзо давлатлар олий таълим муассасаларининг халқаро даражаси пастлигига эътибор қаратиб, аъзо давлатларнинг фақатгина 11 та олий таълим муассасасижаҳоннинг 500та энг яхши университети рейтингидан ўрин олганлигини ёки 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги 1,9%ни ташкил этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шу муносабат билан, аниқ таклиф сифатида фан ва технологияларни ривожлантиришга қўшилган ҳисса учун Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро мукофотини таъсис этиш ва у ни кенг оммалаштириш ташаббусини олга сурдилар.

Хулоса. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 21 сентябрда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5544-сонли Фармон имзоланди. Ушбу стратегиянинг бош мақсади ҳам мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгилловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантиришдир [*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2018 йил 21 сентябрь, ПФ-5544-сон*]. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тузилган Глобал инновацион индекс рейтинги мавжуд бўлиб, унда камида 130-140 давлатнинг шу соҳадаги ютуқлари, ихтироларига берган патентлар, фан-таълимга ажратиладиган йиллик маблағлари кўзгудек акс этиб туради. Бу ажабтовур рейтингни, мана, 7 йилдирки, Швейцария бошқариб келмоқда. Ундан кейинги ўринларда эса Швеция, Голландия, АҚШ ва Буюк Британия турибди. Собiq иттифоқ ҳузуридаги давлатлар орасида энг яхши кўрсаткич 25-ўринни банд этган Эстония ва 78-ўринни эгаллаган Қозоғистонга тегишли. Ўзбекистон шу рейтингга сўнгги бор 2015 йилда киритилган ва эгаллаган поғонаси 122-ўридан ошмаган. Президент Фармонда: 1) ЯИМнинг атиги 0,21%и илмий тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган бўлса, 2021 йилга бориб бу кўрсаткич 4 баробар оширилади, яъни 0,8% га етказилади. 2) Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2021 йилга бориб, жаҳондаги нуфузли 1000 та университет сафидан ўрин эгаллашини таъминлаш айтилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Т: Ўзбекистон, 2017. 518 б.
2. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. - Тошкент, 2017. 55 б.
3. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тошкент, 2016 йил 14 сентябрь, УРҚ-406-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. ПФ-5106-сон. 2017 йил 5 июль // “Халқ сўзи”, 2017 йил, 6 июль.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2017. 520-бет.
6. Noman Benotman, Nikita Malik. The Children of Islamic State. Quilliam. March 2016.p. 19.
7. Heather Saul. Isis Video Shows Child Militant Shooting Dead “Israeli Spy” Muhammad Said Ismail Musallam. The Independend. March 11,2015.<http://www.independent.co.uk/news/world/middle-east/isis-posts-video-of-child-militant-shooting-dead-israeli-spy-muhammad-said-ismail-musallam-10099503.html>.
8. Agathe Christien. The Representation of Youth in the Islamic State’s Propaganda Magazine Dabiq. Journal of terrorism research. Volume 7, Issue 3. September 2016.p.5.
9. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун. УРҚ-139-сон, 2008 йил 7 январь.
10. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-406-сон, 2016 йил 14 сентябрь.
11. “Аҳолининг диндорлик даражаси” мавзусидаги мониторинг социологик тадқиқоти

натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маъруза. “Ижтимоий фикр” тадқиқот Маркази. 2017. 38 б.

12. “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун. 2018 йил 30 июль, ЎРҚ-489-сон.// “Халқ сўзи”, 2018 йил 31 июль.

13. Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг “Yoshlar—kelaj agimiz” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сонли Фармони, 2018 йил 27 июнь.

14. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларитўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-406-сон, 2016 йил 14 сентябрь.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хддис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 896-сонли Қарори. 2018 йил 1 ноябрь.

16. Устинов В. Обвиняется терроризм. - М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2002. - С. 10.

17. Очилдиев А. Мафкуравий таҳдидлар ва гоявий тарбиянинг долзарб масалалари // Маънавий ва диний стуклик - давр талаби / тўпловчилар Исломов З., Шожалилов Ш. - Т. : Тошкент ислом университети, 2009, 444 бет. - 381-382 б.

2017 Ўзбекистон Республикаси Президента Шавкат Мирзиёевнинг Ислон ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи. Халқ сўзи. йил 10 сентябрь.

2018 Президент Ш.Мирзиёевнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5544-сонли Фармони, йил 21 сентябрь.

18 Шермухамедова, Нигинахон. "Фалсафа." (2010).

19 Namazova, Yulduz Muzapparovna. "MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION AND CONFESSIONAL (RELIGIOUS) SCHOOLS IN TURKESTAN." Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology 1.7 (2019): 135-139.

20 Абдуллаева, Н., & Шермухамедова, Н. (2023). Духовно-просветительское значение наследия

21 Махмудходжи Бехбуди . in Library, 7(1). извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/archive/article/view/21738>

22 Нишанова, Озода Джалолитдиновна. "HUMAN ORIGINS AND NATIONAL FEATURES OF THE UZBEK ETHNIC CULTURE." *Theoretical & Applied Science* 9 (2015): 124-126.